

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВА ЯКИТЖАН БУВАБАЕВНА**

**СУБЪЕКТИ-АХЛОҚИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**ҲУҚУҚИЙ ИММУНИТЕТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**03.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contente of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Кадирова Якитжан Бувабаевна**

Субъект-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини  
ривожлантириш .....3

**Кадирова Якитжан Бувабаевна**

Развитие правового иммунитета учащихся на основе субъектно-этического  
подхода..... 21

**Kadirova Yakitjan Buvabaевна**

Development of legal immunity in schoolchildren on the basis of a subject-ethical  
approach .....38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**КАДИРОВА ЯКИТЖАН БУВАБАЕВНА**

**СУБЪЕКТЛИ-АХЛОҚИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**ҲУҚУҚИЙ ИММУНИТЕТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик ғалминолар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маъкаммаси ҳузуридаги Олий яггестация комиссиясида В2021.4.PhD2804  
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг  
веб-саҳифаси-[www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)  
жойлангизилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдинова**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳақимова Муҳаббат Файзиёвна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Юнусова Мунаввар Собирова**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори, (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Жилзах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги  
DSc 03/30.01.2020 Ped 26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «3» 03 кун соат 10<sup>00</sup>  
даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор  
кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail:  
tdpu\_kengashi@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс  
марказида таъминоти мумкин 1477 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100185, Тошкент  
шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-  
76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 02 кун тарқатилди  
(2022 йил «21» 02 даги 64 рақамли реестр баённомаси)

**М.Э. Хайдаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, пед. ф. д.,  
профессор

**Р.Г. Исянов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш аъзоби, пед. ф. н.,  
доцент

**Н.А. Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
Семинар раиси, пед. ф. д., профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига кўра, мактаб ўқувчиларида ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш, ҳуқуқнинг асосий тамойиллари, нормалари ҳақидаги билимларни ривожлантириш технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Буюк Британия, АҚШ, Канада ва бошқа Европа давлатларида ўқувчиларга демократик қонунлар ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш, ҳуқуқий тамойилларни чуқур тушунтириб бериш, ўқувчилар билимларини реал вазиятларда қўллаш қобилиятини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳаларни татбиқ этишга доир тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга психологик тайёрлаш, шахсда фуқаролик иммунитетини ривожлантириш, ўқувчиларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялаш, одоб-ахлоқ қондаларига риоя қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ҳамда оилавий тарбия тамойилларини такомиллаштириш, педагогик таъсирнинг эффе́ктини ошириш, шахсни ижтимоийлаштириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарлик, психотроп моддаларни истеъмол қилишга қарши профилактик ишларни ўтказиш, ўқувчиларининг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш, уларни миллий, комил инсон руҳида тарбиялаш, ёшларга хавф солаётган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг маънавий-маърифий жиҳатларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш»<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Бу ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш имкониятини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хуна́р таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 19 июлдаги 528-сонли «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-

<sup>1</sup> Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиети ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган таътанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.



тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ш.Жалилов, Р.Жумаев, Й.Назаров, Ш.Рузиназаров, А.Саидов, У.Таджиханов, Е.В.Татаринцева, М.Усмонбоева, И.Эргашев, Б.Шариповлар субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш, Г.С.Инамджанова З.Х.Касимова, Х.Б.Кадилова, Н.Ортиқов, М.Усмонбоева, Ш.З.Ўразаев ва Г.Ж.Шамарибходжаевалар ҳуқуқий таълим назарияси ва методикаси, Р.Э.Турдибоева ва М.Қурбонов ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг суицидал ижтимоий-психологик хусусиятлари;

ҳуқуқий маданият юридик фан нуқтаи назаридан А.А.Азизхўжаев, Ш.А.Аббосхўжаев, Э.М.Абзалов, З.М.Исломов, Ў.Х.Муҳамедов, О.Т.Насириддинова Х.Т.Одилқориев, Н.Сабуров, А.Саидов, У.Т.Таджиханов, Х.Н.Тўйчиева ва М.А.Хамидовалар томонидан тадқиқ этилган.

Ҳуқуқ фанларини ўқитишда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш Р.Н.Бунеев, Ю.Н.Кулюткин, Е.И.Огарев, В.Г.Онушкин, С.Б.Савелова, Л.И.Чернов, В.Л.Абушенко, Б.Барбер, Н.В.Давлетшина, Б.Б.Кимлика, Р.Кларк, Т.В.Набиева, Г.А.Овчинников, С.С.Алексеев, Д.У.Рэй тамонидан тадқиқ этилган. А.Г.Асмолов, Н.В.Бордовская, А.Б.Венгеров, А.С.Гаязов, Б.С.Гершунский, А.Я.Данилюк, М.Е.Жихаревич, С.З.Зиманов, А.М.Кондаков, В.Т.Лисовский, И.П.Подласий, А.А.Реан, В.Г.Риндак, С.Б.Савелова, В.В.Рябов, Е.И.Хавановнинг ишларида ахлоқий-ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг моҳияти батафсил изоҳлаб берилиши билан бирга, шахсда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан, хусусан, Linda S. Levstik, Cynthia A. Tyson, Mathias Reimann, Н.Л.А.Нарт, К. Helmut тамонидан қонун тушунчаси, ҳуқуқ тушунчаси, қонунчилик институтлари, замонавий жамиятларда ҳуқуқшуносликнинг ўрни ва аҳамияти бўйича илмий тадқиқот ўтказилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 й).

**Тадқиқотнинг мақсади** субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетининг структурали компонентларини такомиллаштириш;

субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

мактабларда субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришга оид тавсияларни оила, таълим муассаси ва соҳа мутахассислари ҳамкорлиги асосида такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларининг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхандарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳри мактабларидан жами 448 нафар ўқувчи иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига доир ижтимоий-педагогик сўров, моделлаштириш, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил, илмий, педагогик-психологик адабиётлар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, дастурларни илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш; ўқувчилар, ота-оналар ўртасида суҳбат ва сўровномалар ташкил этиш, ўқувчиларда оила ҳуқуқига оид билимнинг ривожланиш даражаси ўзифодасини топган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини шахс, оила, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг сифати ва миқдорини тушуниш, мос ривожлантириш омилларни жамият консолидацияси ғояси ва содиқликка қатъий йўналтириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг фуқаролик маданияти интеллектуал, мотивацион, қиймат ва тартибга солиш хусусиятларининг бирлигида намоён бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий-ахлоқий сифатларини индивидуал ўқув траекториясига адаптив мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

ёшларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш модели касбий ва ахлоқий ўзини ўзи англаш, ҳуқуқнинг структурали компонентларини жамиятнинг ҳуқуқий муаммоларига фаол муносабатини таъминлашга рефлексив-онгли муносабатда бўлиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини уларнинг ижтимоий муносабатга киришиш туйғулари, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида шаклланиши ва ривожланиши, мулоқотнинг барча соҳаларида мослашиш ва индивидуаллаштириш жараёнларини уйғунлаштириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг ташкилий-методик ва технологик шарт-шароитлари аниқланган;

Ўқувчиларнинг касбий ўз-ўзини ривожлантириб бориши, бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил билим олиш кўникмаларини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатидаги мақсади, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Муаммонинг яхлит ва технологик ёндашув асосида ҳал этилганлиги; тадқиқот мақсадининг педагогик нуқтаи назардан тўғри белгиланганлиги; илмий фаразнинг мақсадга мувофиқ тўғри қўйилганлиги; белгиланган вазифаларнинг тадқиқот ечимини таъминлашга йўналтирилганлиги; тадқиқот самарадорлигининг кўп босқичли якуний тажриба таҳлили натижалари ва математик-статистик таҳлил кўрсаткичлари ёрдамида тасдиқланганлиги; субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчилар ҳуқуқий иммунитетни ривожланганлиги ҳамда юқори даражага эга бўлганлиги билан белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш мазмуни, шакл ва методларини аниқлашнинг, яхлит тизими ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш мезонларини аниқлаш, механизми такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришга доир илгари сурилган илмий-методик тавсиялардан мактабларда ўқитиладиган «Тарбия», «Маънавият асослари», «Ўзбекистон тарихи», «Ҳуқуқ», «Иқтисодий билим асослари» ва бошқа фанларни ўқитишда фойдаланиш, мактабларда ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетни шахс, оила, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг сифати ва миқдорини тушуниш, мос ривожлантириш омилларни жамият консолидацияси ғояси ва содиқликка қатъий йўналтириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар КА-1-003-рақамли «Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини ривожлантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш» номили грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 1 декабрдаги 02-07-3842/04-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб ўқувчисининг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш тамойилларининг педагогик имкониятлари кенгайтирилган;

ўқувчиларнинг фуқаролик маданияти интеллектуал, мотивацион, қиймат ва тартибга солиш хусусиятларининг бирлигида намоён бўлиши ҳамда ҳуқуқий-ахлоқий сифатларини индивидуал ўқув траекториясига адаптив мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124-рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» номили амалий лойиҳа доирасида белгиланган



вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 1 декабрдаги 02-07-3842/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтиришга эришилган;

ёшларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш модели касбий ва ахлоқий ўзини ўзи англаш, хулқнинг структурали компонентларини жамиятнинг ҳуқуқий муаммоларига фаол муносабатини таъминлашга рефлексив-онгли муносабатда бўлиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар КА-1-003-рақамли «Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш» номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 1 декабрдаги 02-07-3842/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини структуравий компонентларини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини, уларнинг ижтимоий муносабатга киришиш туйғулари, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида шаклланиши ва ривожланиши, мулоқотнинг барча соҳаларида мослашиш ва индивидуаллаштириш жараёнларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124-рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 1 декабрдаги 02-07-3842/04-сон маълумотномаси). Натижада, субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш моделини такомиллаштириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва илмий натижаларни чоп этишга мулжалланган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан 4 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 138 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммониңг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва

технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг назарий асослари» деб номланиб, субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ёшларимизнинг иймон-этикодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, ўз мустақил фикрига эга баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккур онгида ғурур туйғусини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий меросини тиклаш ва мустаҳкамлаш, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларда мен ўзбек фарзандиман, деган ғурур ва ифтихор туйғуси билан яшашга эришиш зарур.

Албатта бундай фазилатлар шахс фаолиятида камол топади. Шундай экан баркамоллик, билимдонлик, меҳнатсеварлик, ахлоқий софлик каби субъектли-ахлоқий ёндашув асосида фуқароларга хос ҳис-туйғуларни ривожлантириш, инсонпарварлик, ватанпарварлик шахсни вояга етказишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки бундай фазилатлар инсонда маънавий-ахлоқий салоҳият ва ижтимоий фаолиқни ошириб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштириш билан бирга, ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш, бурчи ва вазифаларини бажариш масъулиятини ривожлантиради.

Демак, соғлом, иймон-этикодли, ақлан теран, ахлоқан пок, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятини чуқур англовчи ёшларни вояга етказиш, субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш жамиятнинг асосини ташкил этади.

Шундай экан, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий жамият асосларини ривожлантириш, унинг қурувчилари ҳисобланган ёш авлоднинг ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш фуқаролик маданиятини ривожлантириш: жаҳонда рўй бериб, кучайиб бораётган халқаро терроризм, диний фундаментализм ва экстремизмнинг олдини олиш; айрим ёшларнинг ўқишга, меҳнатга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қизиқишининг сусайиб, улар ўртасида авж олган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш; ҳар бир инсоннинг эркин, мустақил онгли, бунёдкор, ташаббускор ва тўлақонли ҳуқуқ ва эрққа эга, давлат бошқарувида фаол иштирокчи шахс қилиб вояга етказиш талабларини тўлиқ бажаради.

Ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш бир вақтда: ўз бурчи ва мажбуриятларини чуқур англовчи, жамият ҳаётини йўлга қўйишда фаол иштирокчи, ҳуқуқий жамият олдида турган жорий ва истикболдаги вазифаларни ҳал этувчи, жамиятни бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этувчи, мамлакат қудратини мустаҳкамлаш йўлида моддий ва маънавий бойликларни яратувчи, миллий қадриятларни асраб-авайловчи, миллий анъаналарга содиқ, миллат вакиллари томонидан

халқаро майдонларда эришилаётган ютуқлардан фахрлана олувчи, миллат ва мамлакат обрўси учун курашувчи, Ватан мудофаасини таъминловчи шахс сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданияти юкори даражада бўлган шахс «..жамиятга берувчи фойдалари ва жамиятдан олувчи манфаатлари нисбатини теран англовчи ҳамда ўз амалиётида бу нисбатда мувозанат бузилмаслигига катъий риоя этувчи субъектдир»

Ҳуқуқий тарбиялаш ва унда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш мураккаб ҳамда давомийлик хусусиятига эга жараён ҳисобланса-да, ўқувчилик йиллари бу жараён учун пойдевор кўяди. Мактабларда «Тарбия», «Маънавият асослари», «Ўзбекистон тарихи», «Конституциявий ҳуқуқ асослари», «Иқтисодий билим асослари», шунингдек, таълим муассасасининг йўналишига кўра бир қатор мутахассислик фанлари ўқувчиларда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни ривожлантиришда катта имкониятларга эга.

Бинобарин, бу фанларни ўқитишда ўқувчилар баркамол шахс қиёфасида акс этувчи маънавий-ахлоқий сифатлар, унинг жисмоний лаёқати ҳамда ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки ҳақидаги маълумотлар билан танишадилар, характерларига хос хусусиятларни танқидий баҳолайдилар ва салбий ҳулқ-атворларини йўқотишга ҳаракат қиладилар. Субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш инсон ўз-ўзининг ҳуқуқий, ахлоқий ва сиёсий қобилиятини камолга етказишида шахснинг интегратив шаклланишидир.

Ўқувчиларнинг асосий элементларига ахлоқий ва ҳуқуқий маданият киритилиб, у инсонларда ўз давлатига масъулият билан ёндашиш ва бошқа инсонларга ҳурмат кўрсатишда ифодаланади. Унинг таркибий элементлари ахлоқий тарбия, ватанпарварлик тарбияси, ҳуқуқий тарбиядан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда таркиб топади. Субъектли-ахлоқий ёндашув маданияти давлатнинг объектив ҳолати, жамиятда демократия ва инсонпарварликнинг ривожланиш даражаси ҳамда ҳар бир фуқаро нуқтаи назарининг ўз-ўзини англашига боғлиқ.

Субъектли-ахлоқий ёндашув маданияти ўқувчилар томонидан ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш ва бу ҳолатни ифода этувчи сифатлар моҳиятини чуқур англай олиш асосида шаклланади. Шу жиҳатдан ўқувчиларни турли мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фуқаро томонидан амалга оширилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатлар, уларнинг ижтимоий-ғоявий хусусиятлари билан таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда мактабларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўқувчиларда субъектли-ахлоқий ёндашув маданиятини ривожлантиришда ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш қўтилган натижага эришиш имконини яратади. Зеро, ижтимоий муҳитда рўй бераётган ҳолатлар, уларнинг йўналиши, мазмуни-моҳияти, жамиятда устувор ўрин эгаллаган маънавий-ахлоқий фикрлар ўқувчиларнинг фуқаро сифатида шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Муаммо юзасидан яратилган ижтимоий-фалсафий, тарихий, педагогик ва



психологик адабиётлар билан танишиш, ўқувчилар фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, ўқувчилар билан бевосита мулоқатда бўлиш, уларнинг фаолиятини педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш йўлида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан:

мактаб фаолиятида (ҳам таълим жараёнида, ҳам маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш чоғида) ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш масаласи муҳим ўринга эга эмас;

ўқувчиларнинг кўпчилиги «ҳуқуқ» ҳамда «ҳуқуқий» тушунчалари негизда қандай маънавий-ахлоқий сифатлар мавжуд бўлиши тўғрисида етарли тушунчага эга эмаслар;

фан ўқитувчилари ҳамда гуруҳ раҳбарлари таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмайдилар;

маънавий-маърифий тадбирлар режасида ўқувчиларнинг субъектлик-ахлоқий ёндашув, бу мақомга эга бўлишнинг асослари, таркибий элементлари, ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш омиллари тўғрисидаги билимлар билан таништирувчи, шунингдек, уларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришга доир ўзаро алоқадор тадбирлар ўз аксини топмаган;

ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг яқлит тизими яратилмаган ва пухта асосланган механизми ишлаб чиқилмаган.

Ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишда ўқувчиларнинг юксак маданият, интеллектуал салоҳият ва жисмоний камолотга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан жамиятнинг фаол аъзоларидан бўлган мактаб ўқувчиларида ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш долзарб муаммо ҳисобланади. Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг асосланган тизимини ишлаб чиқиш тадқиқот йўналишини белгилаб беради.

Шу билан бирга, ҳуқуқий жамият Ўзбекистоннинг ҳақиқий адолатли, инсоний келажагини таъминловчи инқирозли вазиятлардан чиқишнинг ҳақиқий воситасидир. Илмий адабиётларда «ҳуқуқий жамият» тушунчасининг таърифига нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

Субъектлик-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг таянч асоси ўқувчиларнинг энг юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга эканликларидир. Шу жиҳатдан У.И.Маҳқамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова ва Р.Отамуродова томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида диққатга сазовор. Бинобарин, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни субъектлик-ахлоқий ёндашув асосида ривожлантириш йўллари, шакл, метод ва воситалари, шахс маънавий-ахлоқий онги ва дунёқарашини педагогик нуқтаи назардан баҳолаш мезонлари, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий маданиятга эга бўлишларида миллий кадрятлар ва бой маданиятнинг тарбиялаш хусусиятидан самарали фойдаланиш шартлари ёритиб берилган.

Ш.Жалилов, Р.Жумаев, Й.Назаров ва Ш.Рузиназаров, У.Таджиханов, А.Саидов, Е.В.Татаринцева, М.Усмонбоева, И.Эргашев ва Б.Шариповнинг тадқиқотларида эса ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларнинг жамиятни эркинлаштириш ва демократик



муносабатларни қарор топтиришдаги ўрни, аҳамияти, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш омиллари ва шартлари ўрганилган.

Ҳуқуқ фанларини ўқитишда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш Р.Н.Бунеев, Ю.Н.Кулюткин, Е.И.Огарев, В.Г.Онушкин ва С.Б.Савелованинг ишларида ахлоқий кадриятлар устуворлигини таъминлаш асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга эришиш зарурат эканлиги алоҳида таъкидланади.

Л.И.Чернов, В.Л.Абушенко, Б.Барбер, Н.В.Давлетшина, Б.Б.Кимлика, Р.Кларк, Т.В.Набиева, Г.А.Овчинников, С.С.Алексеев, Д.У.Рэй, С.Б.Савелованинг тадқиқотларида фуқаро тавсифлари ёритиб берилган. А.Г.Асмолов, Н.В.Бордовская, А.Б.Венгеров, А.С.Гаязов, Б.С.Гершунский, А.Я.Данилюк, М.Е.Жихаревич, С.З.Зиманов, А.М.Кондаков, В.Т.Лисовский, И.П.Подласий, А.А.Реан, В.Г.Риндак, С.Б.Савелова ҳуқуқий фуқаролилик маданиятининг структурасини, А.С.Гаязов, И.В.Заступова, В.Н.Иванов, Г.М.Коджаспирова, Б.Ф.Курдюков, А.Ф.Никитин, Е.И.Огарев, В.Г.Онушкин, В.В.Рябов ва Е.И.Хавановнинг ишларида ҳуқуқий-ахлоқий иммунитетини ривожлантиришнинг моҳиятини батафсил ёритиб бериш билан бирга, шахсда Ватанга муҳаббат туйғусини ривожлантириш масалалари ўз аксини топган.

Тадқиқот жараёнида ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг илмийлик; тизимлилик, изчиллик; назария ва амалиёт бирлиги; амалий йўналганлик; ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик; таълимий ҳамкорлик; интеграция; ўзаро алоқадорлиги ва ҳуқуқий нигилизмга мурасасизлик тамойиллари, шунингдек, шахсга йўналтирилган; мажмуали, инновацион, муаммоли, интерфаол, рефлексив ҳамда компетентли ёндашувга асосланиши таълим самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши тадқиқ этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари**» деб номланиб, субъектли-ахлоқий ёндашув ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришни амалга оширишга ёрдам берувчи педагогик фаолият принципларини аниқлашнинг методологик асоси бўлиб, В.Н.Сагатовскийнинг ғояси уни амалга ошириш усулини акс эттирувчи асосий қоида сифатида принципда аниқлаштириш қоидаси ҳисобланади. Ғоя хулқ қоидаларида намоён бўлади, кадриятлар эса «қалб чизигини», билимлар «ақл чизигини» ифодалайди ва уларнинг умумийлиги (чизикларнинг) муайян турдаги фаолият, хулққа тайёрлик ҳолатида ифодаланadi.

Муаллифнинг фикрича, ўқувчилар ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришга субъектли-ахлоқий ёндашув моҳияти ва мазмунига ҳақиқат; жамият консолидацияси ғоясига содиқлик; ахлоқийликдаги мақсадни белгилаш; ўқитиш жараёнининг рефлексив йўналганлиги; ўзаро тушуниш; «ҳозир ва шу ерда» амалга оширилган хулқ; виждон принциплари энг мос ҳисобланади.

Олимларнинг ҳақиқат принципи, содиқлик принципи каби ғоялар муаллиф томонидан аниқлаштирилади ва тўлдирилади, шунингдек ахлоқийликда мақсадни белгилаш моҳияти ёритилади. Бошқа принципларнинг моҳиятини

тушунишда эса муаллиф ҳеч қандай янгиликлар киритмайди, чунки олимлар ўз тадқиқотлари доирасида қўллайдиган атамаларни муаллиф ўз тадқиқотида фойдаланилувчи атамаларга оддий алмаштирилишигина мумкин.

Ҳақиқат принципининг моҳиятини ёритиб беришда муаллиф С.В.Пупковнинг субъектли-ахлоқий ёндашув амалга оширилишини таъминловчи мазкур принцип тўғрисидаги ғоясига асосланади ва мазкур принцип тўғрисидаги илмий тасаввурларни тўлдиради. Ҳақиқат принципининг моҳиятини ёритиб беришда муаллиф С.В.Пупков ортидан В.Н.Сагатовскийнинг ҳақиқат унинг методологик ва дунёқарашга оид даражалари мавжуд бўлган қадриятли муносабатнинг комплекс ифодаси эканлиги тўғрисидаги ғоясига таянади.

Ахлоқий қадрият муносабатининг методологик даражаси қадриятлар қандай мавжуд бўлиши ва улар инсон муносабатларини қандай тартибга солиши тўғрисидаги тасаввурларни беради. Бундай муносабатнинг дунёқарашга оид даражасида «Нима учун?» ва «Қандай тарзда?» дунёқарашга оид саволларга жавоб мавжуд бўлган турли ахлоқий-қадриятлар тизимларининг нисбати аниқланади.

Комплекс ахлоқий-қадриятли муносабатнинг дунёқарашга оид даражаси атрофида инсонлар бирлашадиган қадриятлар мустаҳкамланади. Бу субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг мотивацион-қадриятли компоненти мазмунини ҳосил қилувчи шаклдир.

Ўқувчи онг орқали борлиқни акс эттириб, онг ёрдамида ахлоқий-қадриятларни танлайди. Ахлоқий-қадриятлар онг маҳсули бўлиб, ҳуқуқий хулқи ва фаолияти мазмунига айланади. Унда умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ҳуқуқ таълимининг устувор тамойиллари ҳамда муҳим ёндашувларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, устувор тамойилларнинг тўғри танланиши ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг моҳиятини белгилаб беради.

Мактаб ўқитувчиси фаолиятининг стратегияси ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш ҳуқуқий жамиятни қуришга йўналтириш мазмунида амалга оширилиши керак. Бундай стратегияда ўқувчилар ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг педагогик вазифаси намоён бўлади. Мазкур вазифани ҳал этиш ўқитувчи ва ўқувчилар тайёр ҳолларида муайян шароитларда амалга оширилади. Шунингдек, ўқитишнинг инновацион таълим технологияларига асосланиши ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиш мотивацияларини ривожлантиради, ўқув-билиш фаоллигини оширади, билимларини мустаҳкамлайди.

Шу сабабдан умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқ фанларини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади. Бу жараёндаги ўқитишда интерфаол ва муаммоли таълим, шунингдек, ўйин технологиялари ўзининг дидактик имкониятлари туфайли ўқув жараёнини самарали ташкил этишга ёрдам беради. Мазкур таълим технологияларининг таркибий элементлари бўлган «Биламан. Билиб олдим. Билишни хоҳлайман» (БББ), «Барча омилларни ҳисобга ол!» (БОҲО),

«Концептуал жадвал», (интерфаол таълим технологиялари), кейс-стади, ҳуқуқий казус (муаммоли таълим), кроссворд, «Бир асосга эга юридик тушунчалар» (ўйин технологиялари)дан ҳуқуқ фанларини ўқитишда фойдаланиш таълим самарадорлигини таъминлайди.

Жамият консолидацияси, фуқароларни бирлаштириш ғоясини И.И.Калина таъкидлаганидек, педагогик тафаккурнинг стратегик йўналиши сифатида ўрганиш мумкин.

Жамиятни, фуқароларни бирлаштириш ғояси таълимда бевосита ёки воситали равишда ўз ифодасини топадиган ижтимоий-ахлоқий хусусиятдаги мавжуд муаммоларни акс эттиради. Ўқувчилар ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришга субъектли-ахлоқий ёндашувни амалга ошириш, унинг моҳияти ва мазмунини бундай тушунишдан келиб чиқиб, ўқувчиларни ҳуқуқий ҳулқи ва фаолияти тажрибасига жалб этишни таъминлайди.

Бунда тажриба ўқувчиларнинг фуқаро, ҳуқуқий жамият, ижтимоий тизим, ижтимоий тартиб, атрофида инсонлар бирлашадиган қадриятлар тўғрисидаги давом этадиган фикрлаши сифатида акс этади. Ҳуқуқий ҳулқи ва фаолиятининг индивидуал тажрибаси сифатида у ҳуқуқий ҳулқи, фаолият мақсадига эришиш усулларини танлаш вазиятларидан ажратилади. Бевосита танлов онг зиддиятларини ҳал этиш ва танлов натижаларини баҳолаш орқали қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантириш бўйича ўрта таълим муассасалари билан олиб бориладиган педагогик жараённинг модели такомиллаштирилди.


Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришга хос ёндашув ва принципларни аниқлаш, жараён мазмунини асослашдан аввал консолидация ҳодисасини тушунтириш лозим, чунки унинг ғояси назарий ва амалий даражада тадқиқот ишининг етакчи ғояси ҳисобланади.

Ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг мотивацион-қадриятли компоненти мазмунини ҳосил қилувчи қадриятлар, «инсон - инсон», «инсон - жамият», «жамият - инсон» тизимида амалга оширилади ҳамда инсонлар ўртасида, инсон ва жамият, жамият ва инсон ўртасида, инсон сифатларига талабларни қайд этади.

Мазкур қадриятлар жамият ва алоҳида инсон – ўқувчи, мактаб ўқитувчиси, ўзгарувчан дунёда биргаликдаги ҳаётга интилувчи ихтиёрий бошқа инсон учун долзарб аҳамиятга эга. Мазкур қадриятлар, ўқувчи фуқаролик фаолияти мотивига айланиб, уни шундай тарзда тартибга соладиларки, унинг шахс, фуқаро сифатида ривожланишининг истикболларига айланади. Мазкур қадриятлар шунингдек меъёр мавқеига эга.

Диссертацияда ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш орқали, таълимнинг консолидацияловчи вазифасини амалга ошириб, шунингдек, ўқувчиларнинг жамият билан бирлашишлари ва жипслашишларига ёрдам бериш, таълим жараёнида ўқувчиларни Ватанга бўлган садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг диққатини содиқлик туйғусида тарбиялашга жалб этувчи қадриятларга интилиш зарурлиги аниқланган.





1-расм. Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш модели



Диссертациянинг учинчи боби «Субъектли-ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш самарадорлиги» деб номланиб, тажриба синов ишларининг мақсад, вазифалари ва ўтказиш тартиби, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ёритилган бўлиб, тажриба синов ишларининг самарадорлик даражаси асослаб берилган.

Тажриба-синов ишлари Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани, Сурхандарё вилоятининг Термиз тумани ҳамда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур тумани мактабларининг 10-11 синф ўқувчиларидан жами 470 нафари билан олиб борилди. Танлаб олинган умумтаълим мактабларининг ҳар бир синфидан иккитадан гуруҳ танланиб, улардан бири тажриба гуруҳи ва иккинчиси назорат гуруҳига ажратилиб, уларнинг ҳар бир босқичдаги иштирокчилар сони аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба-синов ишларида қатнашган респондент ўқувчилар


№	Вилоятлар	Гуруҳлар	Иштирокчилар сони		
			10-синф	11-синф	жами
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Тажриба гуруҳи	39	38	77
		Назорат гуруҳи	40	39	79
2.	Сурхандарё вилояти	Тажриба гуруҳи	38	39	77
		Назорат гуруҳи	37	41	78
3.	Тошкент шаҳри	Тажриба гуруҳи	39	40	79
		Назорат гуруҳи	41	39	80
Жами		Тажриба гуруҳи	116	117	233
		Назорат гуруҳи	118	119	237

Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш учун, аввало, режа тузиш, таҳлил қилиш ва дарс машғулотларини ўтказишда ўқувчиларнинг қай даражада ҳуқуқий билимларга эга эканлик ҳолатини аниқлаш ишларини олиб бориш зарурдир. Тадқиқот жараёнида тажриба-синов дастурини ишлаб чиқишда ҳуқуқшунослик фанларининг бошқа фанлар билан интеграциясига ҳам мурожаат этилди. Бу билан тадқиқотчи ўз олдига бир қатор мураккаб вазифаларни қўяди, аммо натижаси ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг мазмун-моҳиятини янада бойитади.

Тажриба дастурини тузишда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанини нафақат ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвийлик асосида ўқитиш, балки замонавий педагогик технология ва методларни татбиқ этиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилди. Ҳуқуқий саводхонликни белгилаш учун ўқувчиларнинг куйи синфларда ўзлаштирган фанлари таҳлил қилинди.

Аниқлаштирувчи босқичда тадқиқот давомида илгари сурилган ғоялар ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни шаклланиш ҳолати ўрганилади. Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш бўйича илгари сурилаётган ғояларга тушунмаслик ҳолатлари аниқланади, уни бартараф этувчи восита ва ишланмалар яратиш режалаштирилади. Шакллантириш босқичида эса ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришга хизмат қилувчи фанлар ўқув жараёнини такомиллаштириш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари асосида

ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш усул, воситаларини ишлаб чиқиш ва мазкур вазифаларни амалга ошириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият ташкил этилади.



2-расм. Мезонлар бўйича ўртача қиймат кўрсаткичлари



3-расм. Мезонлар бўйича самардорлик кўрсаткичлари

Бундан кўринадики, танланган гуруҳлардаги билим даражалари тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади, статистик гипотезанинг қиймати критик қийматидан катта бўлгани, ишонч интерваллари ўзаро кесишмаганлиги учун бу олинган натижалар самарали эканлигини кўрсатади ва уларнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичи 15 % га юқори эканлиги исботланди.

Бундан кўриниб турибдики, танланган гуруҳлардаги билим даражалари тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатади, статистик гипотезанинг қиймати критик қийматдан катта бўлгани, ишонч интерваллари ўзаро кесишмаганлиги учун олинган натижалар самарали эканлигини кўрсатади ва уларнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичи 17 % га юқори эканлиги исботланди.

## ХУЛОСА

1. Субъектли ахлоқий ёндашув асосида ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш муҳим ижтимоий-педагогик масала бўлиб, уни ҳал этиш, ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш имконини берган.

2. Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш масаласини ҳал этиш «ҳуқуқ», «иммунитет» тушунчаларининг мазмуни ёритиб берилган тадқиқотларга мурожаат этишни талаб этди ва уларни англаш инсон ҳуқуқий саводхонлиги фуқаронинг етакчи тавсифларидан ҳисобланишини аниқлаш ҳамда шахснинг ахлоқий, маданиятшунослик, аксиологик ва психологик жиҳатларини ажратиш имконини берган.

3. Тадқиқотда мактаб ўқувчисининг ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг структурали компонентлари ҳамда уларнинг функциялари мазмунини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг структурали компонентлари ажратилган тадқиқотларга таяниб, муаллиф мактаб ўқувчисининг тизимли шахс ҳосиласи сифатида ҳуқуқий иммунитетини ривожлантиришнинг мотивацион-қадриятли мазмунига мослаштирилган.

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш натижасида когнитив компоненти фуқаро, фуқаролик жамияти, давлат рамзлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқаролик; ижтимоий тизим, ижтимоий тартиб, ҳулқ ва муносабатларни тартибга солишнинг институционал ва ноинституционал шакллари тўғрисидаги билимлар ҳосил қилинган.

5. Ўқувчиларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантиришнинг ҳулқий компоненти мазмунини ўз қарашларини ифодалаш, қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги шароитларида ўйлаб ҳаракат қилиш, танқидий фикрлаш, инсонлар билан мулоқот қилиш, бошқа инсонга ёрдам кўрсатиш, ҳаётий вазиятни тушуниш, бошқа инсонлар билан ўзаро алоқаларда ўз эркинлик чегараларини англаш, ўз фикрини ҳимоялаш, бошқа инсонни тушуниш ва унинг ўрнига ўзини қўйиш (эмпатия), жамиятда умумий яшаш қонун ва қондаларига риоя этиш кўникмалари ҳосил қилинган.

6. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини шахс, оила, жамият ва давлат

ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг сифати ва миқдорини тушуниш, мос ривожлантириш омиллари такомиллаштирилган.

7. Ўқувчиларнинг фуқаролик маданияти интеллектуал, мотивацион, қиймат ва тартибга солиш хусусиятларининг бирлигида намоён бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий-ахлоқий сифатлари асосида такомиллаштирилган.

8. Ёшларда ҳуқуқий иммунитетни ривожлантириш модели касбий ва ахлоқий ўзини ўзи англаш, хулқнинг структурали компонентларини жамиятнинг ҳуқуқий муаммоларига фаол муносабатини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

9. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий иммунитетини уларнинг ижтимоий муносабатга киришиш тўғрисида, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мулоқотининг барча соҳаларида мослашиш ва индивидуаллаштириш асосида такомиллаштирилган.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**КАДИРОВА ЯКИТЖАН БУВАБАЕВНА**

**РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО ИММУНИТЕТА УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ  
СУБЪЕКТНО-ЭТИЧЕСКОГО ПОДХОДА**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ  
НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за В2021.4.PhD2804 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Абдуллаева Барно Сайфутдиновна  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Хакимова Мухаббат Файзиевна  
доктор педагогических наук, профессор

Юнусова Мунаввар Собировна  
доктор философии по педагогическим наукам(PhD)

**Ведущая организация:** Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится « 3 » 03 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020 Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете раҳамли Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, д. 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (регистрационный № 1472 Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, д. 27. Тел.: (99871) 276-79-11, факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан « 21 » 02 2022 года.  
(протокол реестра № 67 от « 21 » 02 2022 года).



**М.Э. Хайдаров**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.пед.н., профессор

**Р.Т. Исмаилов**  
Учённый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней,  
д.пед.н., доцент

**Н.А. Муслимов**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней,  
д.пед.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На основе опыта развитых стран внедряются технологии развития у школьников знаний об основных принципах и нормах правового иммунитета. В Великобритании, США, Канаде и других странах Европы ведется систематическая работа по реализации крупных проектов по усилению демократических законов и политической активности учащихся, развитию правового иммунитета школьников, разъяснению правовых принципов, развитию у учащихся способности применять знания в реальных ситуациях.

В мировых образовательных и исследовательских учреждениях ведутся научные исследования по вопросам психологической подготовки учащихся к общественной жизни, развития гражданского иммунитета, правовой грамотности, защиты молодежи от деструктивных воздействий, соблюдения правил этики. Особое внимание уделяется теоретическим аспектам развития правового иммунитета учащихся и научным исследованиям по совершенствованию принципов семейного воспитания, повышению эффективности педагогического воздействия, социализации личности, обеспечению прочности семьи.

В республике в последние годы разработана нормативная база по профилактической работе с религиозным экстремизмом и терроризмом, наркоманией, правонарушением, употреблением психотропных веществ, формированию правового иммунитета учащихся, воспитанию их в духе национальной идентичности, разрабатывается и усовершенствуется основные нормы противодействия идеологическим угрозам молодежи. Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан уделяет приоритетное внимание «укреплению системы противодействия преступности и предупреждению преступности, усилению организационных и практических мер по борьбе с религиозным экстремизмом и терроризмом». В результате у учащихся появляется возможность развить правовой иммунитет, повысить эффективность духовно-воспитательной работы на уроках и внеурочной деятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, указа Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 от 6 апреля 2017 г. «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», № 528 от 19 июля 2017 г. «Совершенствование деятельности дошкольных образовательных учреждений», постановлении Президента Республики Узбекистан № ПШ-4884 от 6 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования», указе № УП-5618 от 9 января 2019 г. «О коренном совершенствовании системы повышения

правосознания и правовой культуры в обществе» и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информатизационного общества и демократического государства, формирование системы инновационных идей и способов их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Вопросы развития правового иммунитета учащихся на основе субъектно-этического подхода, роль и значение социально-политических и правовых знаний в либерализации общества и установлении демократических отношений, факторы и условия построения правового общества изучены в исследованиях таких ученых как Ш.Джалилова, Р.Джумаева, Й.Назарова, Ш.Рузиназарова, А.Саидова, У.Таджиханова, Е.В.Татаринцевой, М.Усмонбаевой, И.Ергашева, Б.Шарипова.

Теория и методы правового воспитания изучались в исследованиях Г.С.Инамджановой, Ж.Х.Касимовой, Х.Б.Кадыровой, Н.Ортикова, М.Усмонбаевой, Ш.З.Уразаева и Г.Я.Шамарибходжаевой. Р.Е.Турдибоева и М.Курбанов изучали суицидальные социально-психологические особенности подростков. Правовая культура с точки зрения юридической науки изучена такими учеными как А.А.Азизходжаева, Ш.А.Аббосходжаева, Э.М.Абзалова, З.М.Исламова, О.Т.Мухамедова, О.Т.Насириддиновой, О.Т.Одилкориева, Н.Т.Сабурова, А.Саидова, У.Т.Таджиханова, Х.Н.Туйчиевой и М.А.Хамидовой.

Формирование правового иммунитета в преподавании предметов правоведения исследовано в работах таких ученых, как Р.Н.Бунеева, Ю.Н.Кулюткина, Е.И.Огарева, В.Г.Онушкина, С.Б.Савеловой, Л.И.Чернова, В.Л.Абушенко, Б.Барбера, Н.В.Давлетшиной, Б.Б.Килликой, Р.Кларка, Т.В.Набиевой, Г.А.Вчинникова, С.С.Алексеева, Д.У.Рейа. В работах А.Г.Асмолова, Н.В.Бордовской, А.Б.Венгерова, А.С.Гаязова, Б.С.Гершунского, А.Я.Данилюка, М.Е.Джихаревича, С.З.Зиманова, А.М.Кондакова, В.Т.Лисовского, И.П.Подласия, А.А.Реана, В.Г.Риндака, С.Б.Савеловой, В.В.Рябова, Е.И.Хаванова полностью изложена развитие нравственно-правового иммунитета и исследованы вопросы формирования чувства патриотизма личности.

Зарубежные ученые, в частности, Linda S. Levstik, Cynthia A. Tyson, Mathias Reimann, H.L.A.Hart, K. Helmut проводили исследования концепции закона, концепции права, правовых институтов, роли и значения права в современном обществе.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация.** Данное исследование выполнено в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами в рамках практического проекта № ПЗ-2017927124 «Развитие педагогической деятельности на основе сотрудничества в образовательных учреждениях»



(2018-2020 гг.).

**Цель исследования** состоит в разработке рекомендаций по развитию правового иммунитета учащихся на основе субъектно-этического подхода.

**Задачи исследования:**

анализ педагогических возможностей развития правового иммунитета учащихся на основе субъектно-этического подхода;

совершенствование структурных компонентов составляющих правового иммунитета учащихся на основе субъектно-этического подхода;

